

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**НАБИЕВ АБДИСАМАТ НАБИЕВИЧ**

**ПОЛИАНИЛИНЛИ КОМПЛЕКС СОРБЕНТЛАР АСОСИДА САНОАТ  
КОРХОНАЛАРИНИНГ ОҚАВА СУВЛАРИ ВА ЧИҚИНДИ  
ГАЗЛАРИНИ ТОЗАЛАШ**

**11.00.05-Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона  
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the dissertation of doctor of science (DSc)**

**Набиев Абдисамат Набиевич**

Полианилинли комплекс сорбентлар асосида саноат корхоналарининг оқава сувлари ва чиқинди газларини тозалаш..... 3

**Набиев Абдисамат Набиевич**

Очистка выхлопных газов и сточных вод промышленных предприятий на основе полианилиновых комплексных сорбентов..... 25

**Nabiyev Abdisamat**

Cleaning of exhaust gases and waste water of industrial enterprises name basis of polyanilinum complex sorbents..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**НАБИЕВ АБДИСАМАТ НАБИЕВИЧ**

**ПОЛИАНИЛИНЛИ КОМПЛЕКС СОРБЕНТЛАР АСОСИДА САНОАТ  
КОРХОНАЛАРИНИНГ ОҚАВА СУВЛАРИ ВА ЧИҚИНДИ  
ГАЗЛАРИНИ ТОЗАЛАШ**

**11.00.05-Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона  
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/K67 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (tkti.uz) ҳамда "Ziynet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz)

Илмий маслаҳатчи : **Муҳиддинов Баҳодир Фахриддинович**  
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Муталлов Шухрат Аҳмаджонович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Муҳамедов Кабилджан Гафурович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Сидиков Абдужалол Сидикович**  
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Умумий ва неорганик кимё институти**


Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 рақамли Илмий кенашнинг 2020 йил 20 июнь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. тел: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: info@tkti.uz ).


Докторлик диссертацияси билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин 101 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч.32, тел: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2020 йил «15» 06 кунин тарқатилган  
(2020 йил «15» 06 даги №5 рақамли реестр баённомаси )



  
**Х.Л.Пулатов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенаш  
раиси, к.ф.д, доцент

  
**Ф.Б. Игитов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, кимё фанлари  
бўйича фалсафа доктори

  
**Р.С.Сайфуддинов**  
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси, техника фанлари доктори,  
профессор

## Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёдаги илмий изланувчиларнинг асосий диққат эътиборини атроф мухитни химоя қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдалинишдек долзарб масалалар жалб этмоқда. Ҳозирги куннинг глобал муаммоларидан бири бу табиатни муҳофаза қилиш ва саноат корхоналарини чиқинди газларини тозалаш ҳамда оқова сувларини тозалашдир. Сорбцион хусусиятга эга бўлган ион-алмашувчи полимерлардан кенг кўламда фойдаланиб келинмоқда. Хусусан, арзон маҳаллий хом-ашёлар ва осон топиладиган иккинчи даражали материаллар асосида олиниши мумкин бўлган полимерли сорбентларни саноат корхоналарининг оқова сувларни тозалашда кўп жиҳатдан ишлатилиши фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан қўллаб фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда янги экологик хавфсиз, мақсадга йўналтирилган полианилинли комплекс сорбцион материалларни яратиш соҳасидаги тадқиқотларнинг истиқболи кўплаб техник муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, улар учун хом-ашё базасини кенгайтириш бўйича тегишли ечимларни илмий асослаш, хусусан, полианилин билан поликислоталарни фрактал усулларида ўзаро реакцияга киришиши натижасида янги полимер сорбцион материаллар олиш; электро-фрактал усулда полианилинли комплекс сорбентларни синтез қилишнинг оптимал шароитларини аниқлаш; таркибида оғир металл ионлари бўлган оқова сувларни тозалашни ва саноат корхоналари чиқинди газларни тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикада маҳаллий хом-ашёлар асосида янги фрактал структурали полианилинли комплекс сорбентлар олиш ва улар асосида саноат корхоналарнинг чиқинди газларини ва оқова сувларини тозалаш, борасида кўплаб илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, полианилинли комплекс сорбентларни янги усулларда ҳосил қилиш ва шу сорбентлар асосида чиқинди газларини ва оқова сувларини тозалашга, йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича «Харакатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратабирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Полианилин ва поликислоталар асосида полианилинли комплекслар ва улар асосида полианилинли комплекс сорбентларни олиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute for Global Environment Strategies (IGES) (Japan), Nanyang Technological University (NTU) (Singapore), Environment Canada's National Water Research Institute (NWRI) (Canada), National Research Council (USA), Safe Drinking Water Committee, Belhim (Белорус Республикаси), Technical Adviser (Chemical) Government of Gujrat Industries commissioner (India), VVP Engineering College (India), United States Environment Protection Agency (USA), Institute of Chemical Engineering, Bulgarian Academy of Science (Bulgaria), Санкт-Петербург давлат технология институти (Россия Федерацияси), Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Умумий ва ноорганик кимё институтида, Навоий давлат кончилик институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Полианилинли комплекс сорбентлар асосида саноат сувларини тозалаш ва чиқинди газларни тозалашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: эритмалардан мис ва бошқа металл ионларини гелполианилинли сорбентлар асосида ажратиб олиш технологиялари ишлаб чиқилгани (National Research Council, АҚШ; Safe Drinking Water Committee, NTU, Сингапур); саноат ва ичимлик сувларини юмшатишнинг янги усули ишлаб чиқилгани (Россия кимё-технология университети, Россия); саноат ва ичимлик сувларини юмшатишда сорбентлардан фойдаланиш технологияси яратилган (VVP Engineering College, Бельгия); катта захирага эга ва арзон маҳаллий хомашёлар асосида термик ва кимёвий барқарор сорбентларни олиш усуллари,

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com), [www.fundamental-research.com](http://www.fundamental-research.com), [www.elibrary.com](http://www.elibrary.com), [www.edunews.ru](http://www.edunews.ru), [www.dissercat.net](http://www.dissercat.net), Boena N. Kolarz, Piotr P. Wiczorek. Porosity variation and swelling of cation exchangers// *Angewandte Makromolekulare Chemie*, 2003, Erol Pehlivan, Turkan Altun. Ion-exchange of Pb(II), Cu(II), Zn(II), Cd(II) and Ni(II) ions from aqueous solution by Lewatit CNP 80 // *Journal of Hazardous Materials*, 2007 ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

сувларни органик ва ноорганик бирикмалардан тозалаш технологиялари ишлаб чиқилган (Environment Canada's National Water Research Institute, Канада; Bulgarian Academy of Science, Болгария); сорбцион хусусияти юқори бўлган ионитлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган (Хитой); саноат сувларини тайёрлаш учун поливинилхлорид асосида ионитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон).

Дунёда саноат корхоналарини оқава сувларини полианилинли комплекс сорбентлар асосида тозалаш бўйича бир катор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: саноат корхоналарини чиқинди газларини ва оқава сувларини тозалашда техник шароитларини яратиш; ва технологик эритмалардан металл ионларини ва кимёвий бирикмаларни ажратиб олиш; юқори сорбцион хусусиятли полианилинли комплекс сорбентлардан самарали фойдаланиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Полианилинли комплексларнинг намуналарини янги усулларида синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва қўлланиш соҳаларини излаш бўйича тадқиқотлар Y.Shirakava, S.K.Manohar, J.G.Masters, C.E.Asturias, A.G.Mac. Diarmid, Y.Iemuro, S.Nonako, K.Sugino, K.Cirai, R.Kitavaki, R.Heping, G.Bayd, A.Lurre, G.Maneske, H.Heller, G. Yander, V.Slater, C.Harland, А.Б Зезин, В.Б Рогачева, М.Г Томилин, В.Ф Иванов, К.В Чеберяко, А.В Ванников, В.В.Коршак, Тевлинова А.С., Тростянска Е.Б., Даванков А.Б., Лейкин Ю.А., В.А Кабанов, Д.В Пергушов, В.А Изумрудов, Е.Е. Ергожин, Е.А.Бектуров ва бошқаларнинг илмий мактаблари томонидан фаол илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбекистонда полианилинли комплекслар ва улар асосида полианилинли комплексли сорбцион материалларни синтез қилиш, олинган намуналарнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича тадқиқотлар Х.У.Усманов, М.А.Аскарлов, К.С Негматов, С.М Туробжонов, Ш.А Муталов, Б.Ф.Мухиддинов, Ж.К.Авлонов, О.М.Ёриев, А.Ю.Супбеков, К.Х.Разиков, Р.А. Назирова ва бошқа олимлар томонидан полимерлар кимёсининг ҳозирги замон йўналишларининг ривожланишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишган, айниқса полианилинли комплексларнинг қатор саноат корхоналарининг чиқинди газларини ва оқава сувларини тозаловчи янги сорбцион материалларининг олинишнинг кимёвий – технологик асосларини яратишди.

Юқорида қайд этиб ўтилганлар асосида ва мамлакатимизнинг ҳозирги ҳолатида полианилинларни комплекслари ва улар асосидаги сорбцион материалларини ҳосил қилиш усуллари янада такомиллаштирилди; Полианилинли сорбцион материалларидан янада унумдор фойдаланиш ва улар асосида саноат корхоналарини оқава сувларини ва чиқинди газларини тозалаш жараёнларини илмий равишда ўрганилди. Аниқланишларга кўра электрофракта́л шароитнинг муайян ҳароратларида полианилин билан

поликислоталар орасида ўзаро таъсирланишлар ҳозирга қадар деярлик асосли равишда ўрганилмаган.

Республикамиздаги саноат корхоналари чиқинди газларини ва оқава сувларини полианилинли комплекс сорбентлар асосида тозалаш жараёнларининг техник шароитлари илмий ўрганилди. Юқорида баён этилган илмий ютуқлар ва бугунги мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, республикамиздаги саноат корхоналарини оқава сувлари ва чиқинди газларини полианилинли комплекс сорбентлари асосида тозалаш усулларини такомиллаштириш; оқава сувларни тозалаш учун фрактал структурали полианилин комплексли сорбентларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш; технологик эритмалардан металл ионларини ва кимёвий бирикмаларни ажратиб олиш технологияларини яратиш; юқори сорбцион хусусиятларга эга полианилин комплекс сорбентлардан самарали фойдаланиш; қатор саноат корхоналарининг чиқинди газларини тозалаш ва оқава сувларини зарасизлантиришдаги имкониятларни кенгайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан инсонлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммо ҳисобланиб, ушбу йўналишдаги изланишлар илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2017-7-31 « Саноат корхоналарининг технологик эритмаларидан оғир ва рангдор металл ионларини ажратиб олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишда, полианилин сорбентларини оптимал таркибини ва олиниш технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** полимер-полимерли фрактал структурали комплексларнинг синтези ва улар асосида олинган сорбентлар асосида ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари оқава сувларини ва заҳарли газларини тозалашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Фрактал структурали полианилинли комплекслар ва улар асосидаги сорбцион материаллар олишнинг янги усулларини яратиш;

полианилинни чизикли ва тикилган поликислоталар билан сувли – органик эритмалардаги борадиган ўзаро таъсирланишларининг кинетик қонуниятларини ҳамда таъсир этувчи факторларни илмий ўрганиш;

янги олинган полианилинли комплекслар ва улар асосидаги полианилинли сорбцион материалларни физик – кимёвий ва механик хоссаларини илмий ўрганиш;

полианилинли сорбцион материалларнинг техник шароитларини ва полианилинли сорбентлар олиш технологик экспериментал модули қурилмасини ишлаб чиқиш;



саноат корхоналарини чиқинди газларини тозалаш ва оқава сувларини зарасизлантиришда қўлланиладиган полианилинли сорбцион материалларнинг келажакда қўлланилиши натижасида кутиладиган иқтисодий самародорликни ҳисоблаш ва қўлланилиш сохалари имкониятларини илмий ўрганишдир;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида полианилин, полианилин комплекслари, бентонитли минераллар, ҳамда Навоий ва Бухоро вилоятлари корхоналаридан “Навоиазот” АЖ нинг “Сулфат аммоний” ишлаб чиқариш цехи ва чиқинди сувларининг таркибида “сульфат анилин” тутган “Бухоро - Қоракўл” АЖ корхоналарини чиқиндилари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** термо-, кимёвий барқарор, сорбционлик хоссалари юқори бўлган янги усулларда полианилинли комплекслар ва улар асосидаги полианилинли комплекс сорбентларини синтез қилиш; Юкорида кўрсатилган асосий жараёнларнинг муҳим илмий қонуниятларини аниқлаш, ўрганиш; табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишларда қўлланиладиган юқори иқтисодий самародорликга эга бўлган полианилинли комплекс сорбентларни олишни ишлаб чиқаришни ҳамда уларни саноат корхоналарнинг оқава сувларни ва чиқинди газларини тозалашда қўллаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кимёвий таҳлил усуллари – УБ, ЯМР, ЭПР спектроскопия, электронли – сканерлаш микроскопияси, потенциометрик титрлаш, Гель-ўтказувчан хроматография, вискозиметрия, ДТА, вольтамперметрия ва бошқа таҳлил усуллари ҳамда жараёнларни моделлаштириш ва математик программалаштириш усулида олинган илмий кўрсаткичлар мукамал ўрганилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор янги усулда фрактал структурали полианилинли комплекслари ва улар асосидаги полианилинли сорбцион материаллар олинган;

полианилинни поликислоталар билан фрактал шароитларда ўзаро таъсирланиш кинетик қонуниятлари илмий ўрганилди ҳамда полианилинли комплекслар ва улар асосидаги сорбцион материалларни оптимал таркиби ва олиш техник шароитлари ишлаб чиқилган;

полианилинли фрактал структурали сорбентлари замонавий физик-кимёвий усулларда таҳлил қилиниб, уларнинг физик-кимёвий механик, сорбционлик ва ишлатилиш хоссалари аниқланган;

олинган фрактал полианилинли комплекслар ва улар асосидаги сорбцион материалларнинг энг муҳим хусусиятлари, шунингдек электр ўтказувчанлиги, термик барқарорлиги, сорбционлик хоссалари ва деструкцияланиш сохалари аниқланган.

полианилинларни поликислоталар билан электрофрактал шароитларда ўзаро таъсирланишини интерполиэлектродит жараёнлардек қарашликни ҳамда олинган фрактал полианилинли комплекслар ва улар асосидаги

сорбцион материаллар ҳарорат ва рН мухитининг кенг интервал қийматлардаги барқарорлиги исботланган;

қатор саноат корхоналари чиқинди газларини ва оқава сувларини тозалаш учун фрактал полианилинли комплекслар ва улар асосидаги сорбцион материалларни олиш жараёнларини экспреминтал модули ишлаб чиқилган;

оқава сувларини ва чиқинди газларини тозалаш технологияси мукамаллаштирилган ва полимер сорбентларни динамик шароитларда регенирация қилиш услублари яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фрактал полианилинли комплекслар ва улар асосидаги сорбцион материалларни янги усулда олиниши ишлаб чиқилган;

саноат корхоналарини чиқиндилари ва иккиламчи хом ашё ресурслари асосида юқори самарали фрактал полианилинли сорбцион материалларни технологик регламент асосида олинадиган лаборатория модули қурилмаси ишлаб чиқилган;

қатор саноат корхоналари чиқинди газларини ва оқава сувларини самарали тозаловчи полианилинли сорбцион материалларни олиш технологик шароити принципиал техник схемалари ишлаб чиқилган;

Фундаментал илмий - тадқиқот ишлари натижалари янги полианилинли сорбцион материалларини чиқиндилар ва иккиламчи саноат хом ашё ресурсларидан олиниши учун муҳим омил сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқотнинг хулосалари ва тавсияларнинг асосланганлиги замонавий кимёвий, физик-кимёвий усуллар ва кимёвий тадқиқотлар қўлланилганлиги, ишлаб чиқилган фрактал структурали полианилинли комплекс сорбентларни олиш технологияси, уларнинг қўлланиши тажриба-саноат синовларида апробация қилинганлиги, актлар билан тасдиқланганлиги ҳамда ишлаб чиқаришга қўлланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полианилинли комплекслар ва улар асосидаги полианилинли сорбент материалларини асосий кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларини ( $\text{HCl}$ ,  $\text{HF}$ ,  $\text{NO}$ ,  $\text{NO}_2$ , сорбцияси, сорбцион сиғими, монофункционаллиги ва ғоваклиги) уларни олиш учун яроқли бўлган бошланғич хом-ашёларнинг кимёвий таркиби, физик-кимёвий ва сорбцион хоссаларига корреляцион боғлиқлигининг аниқланганлиги ҳамда полианилинли комплекс сорбентларни ҳар хил турдаги ассортиментларини кенгайтиришга имкон яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, полианилинли комплекслар асосида янги сорбентлар олиниб, саноатнинг чиқинди газларини ва оқава сувларини тозалаш учун ҳавола қилинди. Бундай қонуниятларнинг аниқланиши ишлаб чиқаришнинг оқава сувларини

полианилинли сорбентлар асосида тозалаш технологиясини мукамаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ишлаб чиқариш корхоналарнинг оқова сувларини ва чиқинди газларини янги фрактал полианилинли комплекслар ва сорбцион материаллар асосида тозалаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фрактал интерполимер комплексларини синтез қилиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ІАР04297, 2011 й.). Натижада чиқинди газлар ва оқова сувларини тозалашда ишлатиладиган фрактал структурали сорбентлар олиш имконини берган;

чиқинди газларни тозалаш учун сорбентни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ІАР04294, 2011 й.). Натижада полианилин асосдаги фрактал комплексларнинг янада самарадор сорбентлар олиш имконияти яратилган;

полианилин сорбентини ишлаб чиқаришнинг техник шарти «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 04973254-01:2019й). Натижада полианилинли комплекслар асосида олинган сорбентларни импорт қилинган сорбентлар ўрнига полианилин асосида олинган сорбентини ишлатиш имконини берган;

синтез қилинган полианилинли комплекс сорбентлари “Навоиазот” АЖда нитроза газларини тозалаш жарёнига жорий этилган («Навоиазот» АЖнинг 2019 йил 11 июлдаги 54-сон маълумотномаси). Натижада атроф-муҳитни нитроза газларидан тозалаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 3 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 27 та мақола, жумладан, 21 таси республика ва 6 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 178 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий

натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Полианилинли комплекслар ва улар асосидаги сорбцион материалларининг ҳозирги замон ҳолати”** деб номланган биринчи бобида полианилинли комплекслар ва улар асосидаги сорбцион материалларнинг хоссалари, структуралари, синтезларини илмий ўрганиш ишларига таълуқли замонавий адабиётлар натижалари танқидий кўриб чиқиб ўрганилган.

Полианилинли комплекслар асосида саноат корхоналарини оқава сувларини ва чиқинди газларини тозалашда полианилинли комплекс сорбентларидан фойдаланишнинг самарадорлиги аниқланган ва ўтказиладиган илмий тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Бошланғич моддалар ва ўтказиладиган эксперементлар методикаси”** деб номланган иккинчи бобда бошланғич моддалар тавсифи, полианилинли сорбцион материаллар, полианилинли комплекслар, поли-орто-толуидин, полианилинларнинг синтез қилиш методикаси, полианилинли комплекслар ва улар асосидаги полианилинли сорбцион материалларни ҳосил бўлиш жараёнларининг кинетикасига ҳамда олинган полианилинли комплекс сорбентларининг сорбцион ва физик-кимёвий ва механик хоссаларини тадқиқ қилиш усулларига бағишланган.

Диссертациянинг **“Полианилинли комплексларнинг олиниши”** деб номланган учинчи бобида эса полианилин, полианилинли комплексларини синтези қилиш жараёнлари қонуниятларини тадқиқ қилиш, ҳамда полианилинли комплексларнинг чизиқли поликислоталар билан ўзаро таъсирланишидаги янги усулларда олинган фрактал полианилинли комплексларнинг синтез қилишнинг кинетик қонуниятлари ўрганилишига ва структуралари замонавий физик – кимёвий таҳлилларига бағишланган.

**Полианилин комплексларини кимёвий, электрокимёвий ва электрофрактал усулларда олиниши.** Полианилинли комплексларни ҳосил бўлиш кинетикаси кимёвий шароитларда ҳам чизиқли ҳам тикилган поликислотлари билан ўрганилди.

Калий бихромат, натрий хлорат, аммоний персульфат ва бошқа катализаторлар иштирокида полианилинни поликислоталар билан поликомплексларини ҳосил бўлиш жараёнлар амалга оширилди. Шунини таъкидлаш зарурки биз ўз илмий тадқиқотларимизда полианилин билан поликислоталарнинг ўзаро таъсирланишларини полиасос-поликислота таъсиридек қараб, хароратни, рН муҳитини ва концентрациянинг кенг интервал қийматларида барқарор эканлиги кўринди.

Полианилиннинг структураси ҳамда кимёвий таркиби оксидланиш

даражаси ва протонланиш кўрсаткичи билан аниқланади. Полианилинни макромолекулалари сувли органик эритмаларда кимёвий шароитда гидрофил ҳолдаги полакрил кислотаси билан реакцияга киришиб, полианилинли комплексларини ҳосил қилади, баъзи ҳолатларда ушбу жараён полианилинни легирланиши деб аталади. Малумки, полианилин қисман чумоли кислотасида эрийди ва бошқа томондан поликапрамид юқори физик-механик хоссаларига эга бўлиб, чумоли кислотасида яхши эрийди. Шундан келиб чиқиб, умумий эритувчи шароитида полианилин ва поликапрамид асосида физик-кимёвий хоссалари яхшиланган полианилинли комплексларни олиш жуда қулай.

Электр ўтказувчан полианилинлар ва боғловчи полимерларни умумий эритувчиларда ўзаро аралаштириш усулида, физик-кимёвий хоссалари етарли даражада яхшиланган полианилинли комплексларни ҳосил қилиш мумкин. Бу жараёнлар ўрганиш ҳам амалий жихатдан, ҳам илмий назарий жихатидан алоҳида ахамиятга эгадир.

Анилинни электрополимерланишини дастлабки босқичида айниқса кислотали муҳитни рН паст қийматларида, автокатализ содир бўлмайди ва бу ҳолат полианилинни физик-кимёвий хоссаларига етарли даражада таъсир этади.

Ҳар хил электр ток потенциалларида фрактал шароитларида полианилин билан чизиқли поликислоталарнинг поликомплекслар ҳосил бўлиш жараёнлари ўрганилганда олинган циклик вольтамперограммалари (1- расм) берилган.

Электрофрактал шароитларда ҳосил бўлган полианилинли комплекслар бир - бирдан циклик вольтамперограммаларининг чўққилар сони билан фарқ қилади ва ҳар бир чўққига (NH, N) азот бирикмаларини оксидланиш-қайтарилиш шакллари тўғри келади. Анилинни сувли ва бошқа протонли эритмаларда оксидланиш ва қайтарилиш жараёнларни характерли чўққилари эритма муҳитига ва ишлатилаётган электролит эритмасининг табиатига боғлиқ бўлиб, рН муҳитининг 0,1дан 4гача бўлган диапазондаги циклик вольтампераметриянинг эгри чизиқларининг ўзгаришига боғлиқ эмас.

Бу ўз навбатида шу рН муҳитидаги оксидланиш реакциясида протон иштирок этмаслигини билдиради. Биринчи оксидланиш босқичида протон радикалларнинг ҳосил бўлиши, электронпараспектрларининг ютилиш кўрсаткичи билан исботланади.

Биринчи чўққини дастлабги босқичида оқ сарғиш лейкоэмаралдин асоси протоэмарилдинни протонлашган шаклини билдиради. Иккинчи қисмида эса эмаральдин шаклини кейинги оксидланиши шаклига ўтиб, тўқ яшил ҳолат рангини ҳосил қилади.

**Фрактал усулида олинган полианилинли комплексларни ўзига хос структуралари.** Фрактал шароитида макромолекулаларнинг ўзаро таъсирида янада янги қулай имкониятлар ҳосил бўлади. Шу сабабли полианилин

макроталекулалари ҳам поли-орто- толуидин макроталекулалари ҳам полиакрил кислотасининг макроталекулалари билан худди шу ҳолатда реакцияга киришиб олинган намуналарнинг электрўтказувчанлиги, қаттиқлиги ва адгезиясини юқори кўрсаткичлари кимёвий ва электрокимёвий усулларда олинган полианилин комплекслари намуналардан тубдан фарқ қилади.

Полианилинларни поликислоталар билан ҳосил қилган поликомплекс бирикмаларининг заррачалари диффузия бошқарувли агрегацияси (ДБА) математик модули асосида оддий скейлинг нисбатларидан фойдаланиб ўрганилди. ДБА модули электрофрактап жараёнида полианилинли комплексларни ҳосил қилишда экспериментал усулларда амалга оширилди. 2-3 расмларда электрокимёвий усулда олинган полианилинли комплексларнинг фрактап структурали заррачалари кўрсатилган. Оддий электрокимёвий усулда олинган поли-орто- толуидин билан ПАК комплекси электрўтказувчанлиги ( $2,2 \cdot 10^2 \text{ ом}^{-1} \cdot \text{см}^{-1}$ ).

Полианилинли фрактап комплекслари 0,7мВ- потенциалда юқори кўрсаткичли полианилинли комплекс заррачалари ҳосил бўлганлиги кузатилди. Олинган намуналарнинг бир неча макроскопик хоссаларини куйидаги электрўтказувчанлик тенгламаси орқали аниқлаш мумкин:


$$\delta = \delta_0 (\Phi - \Phi_c)^t, \quad \delta = \delta_0 (\Phi_c - \Phi)^s,$$

t ва S универсал кўрсаткичлар – (уларнинг уч ўлчамли ҳолати учун сонли кўрсаткичлари) t=1,6, S=0,7 уч ўлчамли ҳолатини сонли кўрсаткичлари.

Полианилинли комплексларни юпқа қопламаларини умумий эритувчиларда полимерларни аралаштириб ҳосил қилиш ёки анилинни HCl эритмасида полиакрил кислотаси (ПАК) ёки поликапрамид (ПКА) билан электракимёвий усулларда ҳосил қилиш мумкин. Олинган натижаларнинг таҳлили (1-жадвал) шуни кўрсатдики, полианилинли ва поли-орто-толуидинли поликомплексларнинг электр ўтказувчанлиги олиниш усулига боғлиқ экан. Электрофрактап усулида олинган полианилинли ва поли-орто-толуидинли поликомплексларнинг электр ўтказувчанлик эса кимёвий усулда олинган поликомплексларнинг электр ўтказувчанлигидан анчагина юқори қийматга эга экан.

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, полианилин ва поли-орто-толуидинли электр ўтказувчанлиги полимерларнинг олиниши усулига боғлиқ экан. Электрофрактап усулда олинган полианилинли ва п-орто-толуидинли полимер комплексларининг электр ўтказувчанлик қийматлари оддий кимёвий усулларда олинганлигига нисбатан анча юқори қийматларга эга бўлишлиги аниқланди. Поликапрамидни ва полианилин полимер комплексларини физик – механик ва электрофизик хоссалари илмий ўрганилганда полианилин асосидаги полимер комплексларнинг физик механик хоссаларини ижобий ўзгариши полимер комплекс таркибидаги поликапрамиднинг ҳажм миқдорида боғлиқ эканлиги тўла аниқланди.

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, эритмада поликапрамидни миқдори ортиши билан ПАНИ/ПАК поликомплексини электр ўтказувчанлиги камайиб боради. Бу полианилин комплекси таркибидаги ПАНИ нинг миқдори камайиши билан изоҳланади. Полианилиннинг оптик ютилиш қийматларининг ўзгариши тўлқин узунликларига боғлиқлиги ҳамда тўлқин узунликларига мос келувчи аминли ва иминли шакллари ўрганилди. Олинган натижалар 4-расмда келтирилган.  $\Phi C \approx 10\%$  перколяцияланиш чегарасининг қиймати келтирилган. Айнан шунга ўхшаш аналогик перколяция характеристикаси полианилинни поликапрамид билан ҳосил қилган комплекда ҳам кузатилди. 4-расмда полианилинни ютилиш сохаларидаги характерли ўсиш кузатилди.



Персульфат аммоний инциаторининг концентрациялари: 1- 1,75 моль/л; 2- 1,50 моль/л; 3- 1,25 моль/л; 4- 1,04 моль/л; 5- 0,75 моль/л

**1-расм. Полианилин комплексларини (ПАНИ/ПКА) олиниш жараёнида, полианилинни аминли ва иминли шаклларини тўлқин узунликларида ўзгаришини оптик ютилиши ўзгаришига боғлиқлиги**


Олинган натижалар 4-расмда келтирилган.  $\Phi C \approx 10\%$  перколяцияланиш чегарасининг қиймати келтирилган. Айнан шунга ўхшаш аналогик перколяция характеристикаси полианилинни поликапрамид билан ҳосил қилган комплекда ҳам кузатилди. Олинган натижалар полианилинли комплексларининг турли структурали компонентларига:  $\sim 320$  нм – амин шакли,  $\sim 430$  нм – катион-радикалар,  $\sim 600$  нм – хинон иминн шакли,  $\sim 780$  нм – локализацияланган поляронлар тўғри келади.

**Полианилинли комплексларини физик – кимёвий усулларда тадқиқи.** Полианилинли комплексларни физик кимёвий хоссалари ЭПР, - УБ, - ИҚ, ЯМР- спектроскопия усулларида, электрон сканерлаш микроскопия, гелъ - хроматаграфия, вискозиметрия, дериватография, потенциалметрия ва бошқа методларда ўрганилди.

Полианилинли комплексларнинг сифатини характерловчи критериялардан бири полимер комплекс таркибидаги полианилиннинг молекуляр оғирлигидир.

Полианилинни ўртача молекуляр массасини гел ўтказувчан хроматография усулида аниқланди.

Олиб борилган илмий изланишлардан олинган натижалар литий хлорид концентрацияси ортиши билан характеристик қовушқоқлик қийматлари ортади. Полианилин макромалекулаларнинг калавали ўралиши унинг занжиридаги электростатик итарилишига ва эритмадаги ионларига боғлиқ. Полианилин ва полианилинли комплексларининг 5-расмда ультрабинафша спектрларида макромалекулаларнинг ўзига хос структураларни ҳосил бўлишлиги кўрсатилган.



**2-расм. Полиэмаралдин кўк рангли (а) ва полианилинли комплекс эмаральдин яшил рангли (б) ПАНИ/ПАК нинг УБ – спектрлари**

Олинган ультрабинафша спектрларида (5-расм) кўриниб турибдики, полианилиннинг оксидланган шакли 0,8 экстенция кўринишида 350 нм соҳа ютилишларига фаоллашган амин шакли ва 0,6 экстенция кўринишида 650 нм ютилиш соҳаларида қайтарилган имин шаклига тўғри келади. Протонли шароитда полианилинни полиакрил кислотаси билан таъсири вужудга келиб полианилинни оксидланган шакли 0,4 экстенция кўринишида ютилиш соҳасининг 375 нмга тўғри келади. Полианилинни қайтарилиш шакли эса 0,5 экстенцияда ютилиш соҳасини 835 нм тўғри келади. Олинган полианилинли комплексларда ультрабинафша спектрларининг интинсивлигини камайиши экстенцияси ва ютилиш соҳаларини ўзгариши водородли боғларни ҳосил бўлиши билан боғлиқ (5-расм). Бу яна бир маротоба полианилин билан полиакрил кислотаси орасида комплекс боғларнинг вужудга келишини исботлайди. Полианилин ва полиакрил кислотасининг бир неча комплекс намуналарида полимерларнинг макромалекулалар орасида структуравий боғлари вужудга келишлиги инфракизил спектрларида яққол намоён бўлади.



Полианилинли полимер комплексларнинг ИҚ-спектрлари илмий ўрганилганда ютулиш соҳаларининг:  $1581,63 \text{ см}^{-1}$ ,  $1400,32 \text{ см}^{-1}$ ,  $1300,02 \text{ см}^{-1}$ ,  $1168(\text{см})$ ,  $891,11 \text{ см}^{-1}$ ,  $840,96-825,53 \text{ см}^{-1}$  и  $752,24 \text{ см}^{-1}$ ,  $1581 \text{ см}^{-1}$ , қийматида ароматик бирикмаларнинг пара ўриналмашинувидаги ютилиш соҳасидаги  $1300 \text{ см}$ , ўртача интинсивликга эга  $\text{C}_6\text{H}_5\text{-NH}$  группаси, имин группаларини деформацион тебранишларига хос имин группаларини соҳалари  $891 \text{ см}^{-1}$  ва  $840-825\text{см}^{-1}$  соҳаларида кузатилди.


Бензол ҳалқаларини ютилиш соҳаларини баъзи ўлчовдаги  $\text{N=N}$  жуда кучсиз ( $1400 \text{ см}^{-1}$ ), спектр соҳаларини баъзи  $\text{C=C}$  боғ шаклларини ютилиш соҳаларини ниқобланган ҳолат соҳаларига тўғри келишлиги аниқланди.

Тикилган полиакрил кислотасининг полианилин билан олинган поликомплексларида молекуляр усти структура ҳосил бўлишлари кузатилмади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки полианилинни чизикли поликислоталар билан электрофрактап жараёнларида ҳосил қилган полианилин комплексларида фибрилляр микроструктура ҳосил бўлиши кузатилди. Олинган электрон-сканерланган суратлар полианилинли комплексларнинг молекуляр усти ҳосил бўлиши микроструктура ва шакллари олинган суратларда яққол намоён бўлган.

Полиакрил кислотаси асосида олинган полианилинли комплекслар кукун ва гел ҳолатидагилари дериватограмма таҳлиллари бир қанча ўзгаришларни маълум қилди, буларни ДТА, ДТГА ва ТГП эгри чизиклари тасдиқлайди, ҳамда бу кўрсаткичлар 8-расмда берилган.

Полианилинли комплекслар ПАНИ/ПАК Se TARAM TODTA DSC +1600 асбобида термик таҳлил қилинди. Харорат интервали  $30-800 \text{ }^\circ\text{C}$ , қиздириш тезлиги  $5 \text{ град/мин}$ . Кейинчалик ҳароратни  $75 \text{ }^\circ\text{C}$  дан  $200 \text{ }^\circ\text{C}$  гача кўтарилганда эндотермик жараён ҳосил бўлиб, масса камайиши  $\Delta m = 4,25 \text{ мг}$  ( $19\%$  атрофида) кузатилди, бу ўз навбатида полианилин ва полиакрил кислотасининг  $-\text{COOH}$  ва  $-\text{HN}_2$  груҳларининг парчаланишига тўғри келади.




3-расм. Полианилин комплекси ПАНИ/ПАКнинг дериватограммаси.

200-600 °С эндоэффeкт ҳодисаси рўй бeриб, полианилинли комплекснинг тўлиқ парчаланиши ҳосил бўлади. Бу ўз навбатида полианилинли комплексдан CO<sub>2</sub>, H<sub>2</sub>O ва N<sub>2</sub> ҳосил бўлишини ва органик қисмини тўлиқ ёнганлигидан далолат бeради. Юқоридаги дермотограммаларда экзо ва эндоэффeкти сохаларида кўрсатилган юқори ҳароратларга полианилинли комплексларнинг термик парчаланиши ва полианилин комплексини бошқа ҳолатга ўтишини кўрсатади.

“Полианилинли сорбцион материалларни физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш” деб номланган диссертациянинг тўртинчи бoбида полианилинли сорбцион материалларни механик, физик-кимёвий хоссалари ўрганилган. Полианилинли комплекслар асосида сорбцион материалларнинг ҳосил бўлиш қонуниятлари асосли равишда таҳлил этилган.

Полианилинли сорбционли материалларни ҳосил бўлиш жараёнларига таъсир этувчи факторлани ўрганиш усуллари. Полианилинли сорбентлар асосида оқава сувларини тозалаш оптимал тезликларда амалга ошади. Бу жараёнларни амалга ошириш учун гидродинамик режимини қўллаш мақсадга мувофиқдир, чунки ички диффузия соҳасини қаршилигини камайтириб полианилин сорбент заррасини ўлчамини камайтириш ва структура тузилиши орқали вужудга келиши керак. Полианилинли сорбентни характеристик хоссаларини ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичларини қабул қилдик. Сорбция тезлиги 1,8 м/с, заррача ўлчами 2,5 мм, агар сорбция тезлиги 1,8 м/с ва заррача ўлчами 2,5 мм паст миқдорга эга бўлса жараён ташқи диффузия соҳаси бўйича лимитланади, агар сорбция тезлиги 1,8 м/с ва заррача ўлчами 2,5 мм катта кўрсаткичга эга бўлса, унда жараён ички диффузия ҳолатига эга бўлади. 4-расмда сувни тозалаш учун сорбция жараёнини вақтга таъсири ҳисобланган оқимларнинг колоннага кириш ва чиқиш тезликларига боғлиқлиги келтирилган.



1-ПАНИ/ПАК бентонит қушимчали; 2-ПАНИ/ПАК бентонит қушимчасиз; 3-ПАНИ/ПАК бентонитли комплекси назорат учун.

4-расм. (Cu<sup>2+</sup>) ион метал концентрациясини ўзгаришини сорбция вақтига боғлиқлиги.

